

«Шунингдек, сизларни (мусулмонларни бошқа) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва Пайгамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун ўрта уммат килиб кўйдик...» (Ба кара, 143)

«Шунингдек, сизларни... ўрта уммат килиб кўйдик...» оятининг маъноси, Имом Куртубийга кўра, Каъба ер юзининг ўртаси бўлгани каби, сизларни ўрта уммат килдик. Яъни сизларни, пайгамбарлардан ташқари, бутун умматлардан устун уммат килдик.

«Васат» – «адолатли», «ўртахола», «мўътадил», «энг яхшим демакдир. Абу Саид Худрийдан розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам «Аллох таолонинг **«Шунингдек, сизларни... ўрта уммат килиб кўйдик...»**

» ояти каримасини

«
Адолатли» деб тафсир қилганлар
(Термизий)

Бошқа бир оятда: **«(Шунда) уларнинг ўртахолапроги айтди...»** (Калам, 28) деб мархамат қилинган. Бу ўринда

«
васат» сўзининг

«
ўртахола»,

«
мўътадил» маъноси кўзда тутилган.

Ўрта уммат – умматларнинг яхшиси демакдир. Зеро, «Хар бир нарсада ўрта холик яхшидир», деган хикматли сўзга ҳеч ким эътироз билдирган эмас. Яна бир маъноси – қиблаларингни ер қуррасининг ўрта қисмида қилганимдек, ўзларингни ҳам ўртахола уммат қилдим. Яъни яҳудийлардек Марямни зинокорга ҳам чиқармайдиган, насронийлардек Исони Аллохнинг ўгли деб илохийлаштирмайдиган ўрта, адолат мақомида бўлурсизлар.

«...сизларни (мусулмонларни бошка) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва Пайгамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун...»

»

мазмунидаги ояти каримадан Киёмат куни Махшар майдонида Мухаммад алайхиссалом умматларининг барча пайгамбарлар фойдасига, уларнинг кавмига қарши гувоҳлик беришлари тушунилади. Киёмат куни бошка пайгамбарларнинг умматлари ўз пайгамбарларини тан олмасдан:

«

Бизга Аллохни танитмаган, буйруқларини етказмаган», деб даъво қилар эканлар. Шунда Аллох таоло Мухаммад алайхиссалом умматидан сўраганида:

«

Биз гувоҳлик берамиз, ўтган ҳамма пайгамбарлар Аллохнинг буйруқларини ўз умматларига мукамал етказганлар», дер эканлар.

«

Сизлар буни қаердан биласиз?» дейилганда, улар:

«

Бизга Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссалом Куръон орқали етказганлар», деб Расулulloхни (соллаллоху алайхи васаллам) гувоҳ қилиб кўрсатар эканлар.

Бошка бир гуруҳ илм ахллари фикрига кўра, оятнинг маъноси бандаларнинг ўлимдан кейин бир-бирларига қарши гувоҳлик беришлари билан богликдир. Чунончи Анас розияллоху анху ривоят қилган бундай мазмундаги ҳадис бор: Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) ёнларидан бир майит олиб ўтилди. Саҳобалар марҳум хақида яхши гапларни айтишди. У Зот (соллаллоху алайхи васаллам) уч марта: *«Вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди»*, дедилар. Бир оздан кейин одамлар яна бир майитни олиб ўтишди. Бу сафар асхоби киром майитни ёмонлашганида, Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам) яна олдингидек уч марта:

«

Вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди

», дедилар. Шунда хазрат Умар (розиаллоху анху):

«

Ота-онам Сизга фидо бўлсин, ё Расулulloх! Олдин бир майит олиб ўтилди, у хақида яхши гаплар айтилди, Сиз уч марта:

«

Вожиб бўлди», дедингиз. Кейин яна бир майит олиб ўтилиб, у хақида ёмон гаплар айтилганида ҳам уч марта

«

Вожиб бўлди», дедингиз. Бунинг сабаби нима?» деб сўраганларида, Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам) бундай жавоб берганлар:

«

Сизлар яхши гаплар билан эслаб, мактаган кишига жаннат вожиб бўлди. Сиз ёмонлаган кимсага эса дўзах вожиб бўлди. Сизлар Аллох таолонинг ер юзидаги гувоҳларисиз, сизлар Аллох таолонинг ер юзидаги гувоҳларисиз, сизлар Аллох таолонинг ер юзидаги

гувохларисиз!

»

(Имом Муслим)

. Бу хадисни шунга яқин мазмунда Имом Бухорий ҳам ривоят қилган. Ушбу хадиснинг Имом Бухорий ва Муслимда келмаган ривоят йўлларида бирида Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам)

«

...

сизларни

(муслмонларни бошка)

одамларга

(умматларга)

гувох бўлишингиз ва Пайгамбарнинг сизларга гувох бўлиши учун...

» оятини ҳам ўқиганлар

(

«

Наводирул усул

»)

.

Убода ибн Сомит (розияллоху анху) айтадилар: «Мен Расулуллохнинг (соллаллоху алайхи васаллам) бундай деб айтаётганларини эшитдим:

«

Менинг умматимга фақат пайгамбарларга берилган учта нарса берилган:

Аллох таоло бир пайгамбарни юборганида унга: «Менга дуо қил, дуойингни қабул қилайин», деган. Бу умматга ҳам:

«**Мен**

га дуо қилинглар, Мен сизларга

(дуоларингизни)

мустанжоб қилай»

(Гофир, 60)

, деб марҳамат қилди;

Аллох таоло бир пайгамбарни юборганида унга: «Аллох дин борасида сенга бирор қийинчилик қилмаган» деган. Бу умматга ҳам:

«

...динда сизларга бирор хараж

(қийинчилик)

қилмади...

»

(Хаж, 78)

деб мархамат килди;

Аллох таоло бир пайгамбарни юборганида уни кавмига карши гувоҳ киларди. Бу умматни эса бутун инсониятга карши гувоҳ килди» (Хаким Термизий, «Наводирул усул»).

«...**Пайгамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун...**» ояти каримаси «Киёмат кунда амалларингизга гувоҳлик бериши учун»,

«
сизларнинг фойдангизга, яъни иймон келтириб, солих амаллар килганингизни тасдиклаши учун» ёки Аллох таолонинг буйрук ва кайтарикларини сизга етказгани хакида гувоҳлик бериши учун» каби маъноларда шархланган.

Уламоларимиз айтадилар: «Аллох таборака ва таоло Китобида бизларни адолатли деб сифатлади ва бутун яралмишларга гувоҳ бўлишни зиммамизга юклаганининг хабарини берди ҳамда яратилиш жихатидан энг охирги бўлсак ҳам, маком ва мавке жихатидан биринчи ўринга чикарди. Чунончи, Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам)

«
Биз энг сўнггимиз (аммо) биринчилармиз
», деб мархамат килганлар
(Имом Муслим ривояти)
».

Имом Куртубий тафсири

асосида тайёрланди.

Нўъмон Абдулмажид.

